

**Боқиев К. Т.**

*НамМПИ*

**Мухиддинова Х.**

*НамМПИ*

**Тўхлиев Ф. А.**

*НамМПИ*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД-ХУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИ – ИНСОН ОМИЛИ**

**Б**осиб ўтилган йигирма беш йиллик йўлимизга на-  
зар солсақ, энг аввало, юртимиз мустақилликни  
қўлга киритганидан сўнг Президентимиз ташаббуси  
 билан ишлаб чиқилган, жаҳонда тараққиётнинг «ўз-  
бек модели» деб тан олинган, машҳур беш тамойилга  
 асосланган ва пухта ўйланган тараққиёт модели хаётга  
 чуқур татбиқ этилиб, барча жабҳаларда юксак натижаларга  
 эришилгани кўз олдимизда намоён бўлади.

Хусусан, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро-  
тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самара-  
ли тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда  
қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг вако-  
латлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини қу-  
чайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг  
мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чора-тад-  
бирлар изчиллик билан амалга оширилди.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг ҳозир-  
ги боскичдаги муҳим йўналишларидан бири — қонун  
устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон  
хуқуки ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга  
қаратилган суд-хуқуқ тизимини демократлаштириш  
ва эркинлаштириш хақида сўз борар экан, истиқлон-  
нинг дастлабки йиллариданоқ ислоҳотнинг мазкур  
йўналишига жиддий эътибор берилаётганини эъти-  
роф этиш зарур.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, суд — одил  
судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш  
хуқукий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён.

Ўтган даврда кассация инстанциясининг тубдан  
ислоҳ қилингани ва суд ишларини қайта кўришнинг  
апелляция тартиби жорий этилгани ҳам соҳадаги энг  
муҳим ўзгаришлардан бўлди. Жорий этилган ана шу  
янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан  
йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фа-  
олиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим  
кафолатига айланди.

2014 йил 11 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон  
Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгар-  
тиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга

мувофиқ Фуқаролик процессуал кодексининг бир қа-  
тор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.  
Унга кўра энди апелляция шикояти ёки протести бўйи-  
ча тушган ишни судда кўриш муддати йигирма кундан  
бир ойгача узайтирилди. Бу ҳам биринчи инстанция  
судлари қабул қилган қарор устидан тушган шико-  
ят(протест)ни кўриш жараёнида тарафларга ўз тушун-  
тириш ва важларини далиллар билан асослаб бериш,  
судга ишни ҳар томонлама ва атрофлича ўрганиб, адо-  
латли қарор чиқариш имкониятларини кенгайтирди.

2001 йилдан бошлаб ҳуқуқни қўллаш ва суд ама-  
лиётига ярашув институти киритилгани ҳам соҳадаги  
ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган  
муҳим қадамлардан бири бўлди. Ярашув институти-  
нинг талабига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган  
жиноий қилмишни содир этган шахс жабрланувчига  
етказилган заарни тўлиқ қоплаб берган тақдирда жи-  
ноий жавобгарликка тортилмайди. Ушбу институт-  
нинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг бағрикен-  
глик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига  
мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига  
асос бўлмоқда.

Амнистия акти биз учун мамлакатимиздаги ин-  
сонпарварлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларга  
хурмат сиёсатининг амалдаги ёрқин ифодаси экани  
билан янада қадрлидир. Зотан, ушбу инсонпарварлик  
актини қўллаш билиб-бilmай жиноят йўлига кириб  
қолганларнинг ҳар қандай қилмиш учун жазо мұқар-  
рар эканини англаб етишида жуда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан бўён  
ўтган 24 йил мобайнида 25 марта амнистия акти эъ-  
лон қилинди. Ҳар йили эълон қилинаётган амнистия  
актидан кўзланган мақсад — факат маҳкумларни ёки  
билиб-бilmай жиноятга қўл урган шахсларни жазо-  
дан озод қилиш эмас, балки улар туфайли жабр тор-  
тадиган ҳар бир оила ва оила аъзолари, айниқса, ўсис  
келаётган ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда  
уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий  
синовлардан ҳимоя қилишдан иборатdir.

Яқинда мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини эркінлаштириш ва янада инсонпарварлаштириш йўлида ўлим жазоси бекор қилинганига 10 йил тўлди. 2005 йил 1 августда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинган эди. Унга қўра Ўзбекистонда 2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди ва унинг ўрнига умрбод ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилди. Фармон қабул қилинган кундан бошлаб ўлим жазосига маҳқум этилган шахсларнинг биронтасига нисбатан жазо ижро этилмади. Бошқача айтганда, ўлим жазоси тўғрисидаги суд ҳукми ижро этилишига де-факто мораторий эълон қилинди.

Фоятда катта ижтимоий-сиёсий ва халқаро аҳамиятга молик ушбу тарихий воқеа нафақат юртдошларимиз, балки дунё ҳамжамиятининг эътибори ва эътирофига сазовор бўлди. Чунки эндиликда юртимизда умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдириш ва терроризм жинояти учун тайинланади. Айни ҷоғда бу жазо тури хотин-кизлар, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга тўлмаган шахслар ҳамда ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланмайди.

Ўзбекистонда бундан ўн йил олдин ўлим жазосининг бекор қилингани, аввало, конституциявий қоидалар ҳаётга тўла татбиқ этилаётганини англатади. Зоро, Конституциямизнинг 24-моддасида: «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир», деб мустаҳкамлаб кўйилган бўлса, 13-моддасига биноан «инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият» хисобланади. Бу муҳим қадам, шунингдек, инсоннинг қадр-қимматини юксакка кўтариш, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, жамоатчилик онгу шуурига ўзбек халқига хос бўлган эзгу таъмйилларни чуқур сингдириш имконини берди.

Ўтган даврда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлганини таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги фармонига мувофиқ 2008 йил 1 январдан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судлар ваколатига ўтказилди. Шунингдек, 2007 йил 11 июлдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳуж-

жатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар томонидан амалга оширилишига оид қонунчилик асослари яратилди. Мухими, бугунги кунда суриштирув, дастлабки тергов ва суд жараёнида «Хабеас корпус» институти самарали қўлланилаётir.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлатимиз раҳбари томонидан «Хабеас корпус» институти қўлланиши доирасини кенгайтириш мақсадида судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзида процессуал мажбурлов чораларини факат судьянинг санкцияси асосида қўллаш таклиф этилди. Бу ҳам суд ҳоқимиятининг нуфузини ошириш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ислоҳотларнинг узвий давоми хисобланади. Мазкур концепция асосида ишлаб чиқилган ва 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган «Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этиди. Хусусан, жиноят процессида «Хабеас корпус» институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида 2012 йил 19 сентябрдан бошлаб судга қадар иш юритув босқичида шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколати судларга ўтказилди.

Шу тариқа қамоққа олишга санкция бериш эҳтиёт чораси, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзида процессуал мажбурлов чораларини факат суднинг қарори асосида қўллаш тартибининг белгилангани, аввалимбор, фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамлаб кўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз экани, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб кўйишишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий норма амалда рўёбга чишишининг яққол ифодасидир.

Шунингдек, 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Жиноят-процессуал кодексида белгиланган эҳтиёт чораларининг доираси кенгайтирилди. Яъни, уй қамоги тарзидағи эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоги тарзидағи эҳтиёт чорасини қўллаш ва унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига берилди. Бу билан, бир томондан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини одил суд орқали муҳофаза қилиш имконияти янада кучайди ҳамда қўшимча кафолатлар

белгиланди. Қолаверса, суднинг мустақиллиги, суд ҳокимиятиниң таъсирчанлиги ошди. Бу эса фуқароларнинг судларга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Ўтган даврда мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти ҳам тубдан кенгайтирилди. Жиноят жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланганига ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувоғикдир.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда ишбилармонлик мухитини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқук ҳамда қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш йўлида мухим қадам бўлди. Унда тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузгани муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътиroz бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд карори билан амалга оширилиши белгиландики, бу судлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Мазкур фармонда белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида маъкулланди.

Сенатнинг ана шу ялпи мажлисида маъкулланган «Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳақида ҳам кисқача тўхталиш зарур. Бинобарин, шу қонун асосида жиноят қонунчилигига навбатдаги ўта мухим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Янги қонунга биноан озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини ўёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишини чеклашдан иборат. Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача мuddатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади.

Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни изро этишдан бўйин

товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, миллий қонунчиликка киритилган бу янгиликлар жазонинг адолатлилик принципини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга, айбор шахсларни жамиятдан кескин ажратмаган ҳолда уларнинг қаттиқ пушаймон бўлиши ва тузалиши учун зарур шарт-шароит яратишга, моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплашга, шунингдек, халқаро стандартларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилишни давом эттиришга хизмат қиласди.

Умуман, юртимиз суд-ҳуқук соҳасида олиб бориляётган бундай кенг кўламли ислоҳотлар инсонпарварлик ҳамда бағрикенглик тамойиллари билан уйғун равишда амалга оширилашти. Мамлакатимиз жиноят қонунчилигига киритилаётган озодликни чеклаш тариқасидаги жазо тури билиб-бilmай жиноят йўлига кириб қолган, ўз ноқонуний ҳатти-харакатларидан қаттиқ пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар учун бекиёс имкониятдир. Энг мухими, мазкур жазо тури инсонпарварлик тамойилига тўла мос бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир.

Президентимизнинг 2012 йил 2 авгуастда қабул қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Нега деганда, мазкур ҳужжатлар сўнгги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятини, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, суднинг нуфузини ошириш, инсон ҳуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлаш, демократик ўзгаришларни чукурлаштириш борасида унинг аҳамиятини кучайтиришга қаратилган кенг миқёсли ишлар амалга оширилаётганинг ўзига хос ҳуқуқий тасдиғи бўлди.

Шу ҳужжатлар асосида юртимизда судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий муҳофазаси кучайтирилди, судларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Айни чоғда, туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолияти янада такомиллаштирилди. Буларнинг барчаси, албатта, аҳолига зарур қуладилар яратмоқда, энг мухими, суд ишларини ўз вақтида, самарали кўриб чиқишига хизмат қиласди.

Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Ушбу конституциявий тамойилнинг амалдаги ифодасини судларда оғир ва ўта оғир жиноят ишларини кўриб чиқиши чоғида халқ маслаҳатчилари иштироки тўлиқ таъминланадигани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича судларда оғир ва ўта оғир жиноят ишини қўришда икки нафар халқ маслаҳатчиси иштирок этмоқда. Бу эса ишни холис ҳал этиш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли муҳофазасини таъминлашда қўл келаётир. Ўтган йилнинг апрель-май ойларида республика халқ маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови ўtkазилди. Ушбу сайловда 15 минг 744 нафар халқ маслаҳатчиси сайланди ва улар ҳозирги кунда судлов жараёнларида самарали фаолият юритмоқда.

Кейинги йилларда суд тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича ҳам изчил иш олиб борилмоқда. «Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви» лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган «E-SUD» миллий электрон судлов ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан мувваффақиятли ўтди. Мазкур тизимнинг икки йиллик фаолияти давомида 40 мингдан зиёд электрон тарздаги аризалар келиб тушди. Шу

йилнинг биринчи ярмида 11 мингга яқин суд буйруғи бериш тўғрисидаги электрон шаклдаги аризалар судда кўриб чиқилди. «E-SUD» миллий электрон судлов ахборот тизими хозир Тошкент шаҳридаги яна 3 та фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судида ўрнатилди. Йил охирига қадар ушбу тизим ўрнатилган судлар сони 9 тага етади.

Мухтасар айтганда, истиқлол йилларида мамлакатимизда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноят ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш, одил судловнинг мустақиллигига эришиш, суд назорати институтини рўёбга чиқариш бўйича амалга оширилаётган кенг камровли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсонинг орзууларини рўёбга чиқариш ҳамда унинг учун муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборатdir.